

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**350** **Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва уларнинг мазкур соҳада фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Идоралараро ишчи гуруҳи деб юритилади) тўғрисидаги низом, шунингдек Идоралараро ишчи гуруҳи таркиби 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар Идоралараро ишчи гуруҳи фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва умумлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши, шу жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз инсон кадр-қимматини камситувчи муомала турларини қўллашга доир мурожаатларини кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини мониторинг қилиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида таклифлар киритиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний тавсиялари ва эътирозларини кўриб чиқиш, шунингдек ушбу якуний тавсия ва эътирозларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг олиб бориш.

3. Идоралараро ишчи гуруҳ бир ой муддатда ўз Регламентини тасдиқласин.

* 2-илова берилмайди.

4. Идоралараро ишчи гуруҳни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги 112-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 июль,
227-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 23 июлдаги 227-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат
органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига
риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро
ишчи гуруҳи тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарорига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш бўйича Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг (кейинги ўринларда Идоралараро ишчи гуруҳи деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Идоралараро ишчи гуруҳи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганишни ва умумлаштиришни амалга оширувчи идоралараро коллегиял орган, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамкорлик ва ягона ёндашувни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Идоралараро ишчи гуруҳи таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Идоралараро ишчи гуруҳи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

II. Идоралараро ишчи гуруҳининг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

4. Қуйидагилар Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифалари ҳисобланади:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва умумлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши, шунингдек қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз инсон кадр-қимматини камситувчи муомала турларини қўллашга доир муурожаатларини кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини мониторинг қилиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида таклифлар киритиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний тавсиялари ва эътирозларини кўриб чиқиш, шунингдек ушбу якуний тавсия ва эътирозларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг қилиш.

5. Идоралараро ишчи гуруҳи ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва умумлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши, шунингдек қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз инсон кадр-қимматини камситувчи муомала турларини қўллашга доир муурожаатларини кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини мониторинг қилиш соҳасида:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишлари тўғрисидаги

шикоятлари, шу жумладан қийноққа солиш ва инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа шафқатсиз муомала турларини қўллашга оид шикоятларини кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини мониторинг қилади;

республика вазирликлари, идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва халқаро тузилмаларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи бўйича таклифларини кўриб чиқади;

содир бўлиши мумкин бўлган инсон ҳуқуқлари бузилиши ва уни халқаро шартномаларда акс эттирилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари универсал стандартлари тамойиллари бўйича баҳоланиши тўғрисидаги маълумотларни тўплайди;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳолати тўғрисидаги объектив маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернетда чоп этилишини ташкил этади;

б) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида таклифлар киритиш соҳасида:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шу жумладан қийноқ ва инсон кадр-қимматини камситувчи муомала турлари қўлланганда тегишли шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга илтимосномалар киритади;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этади;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги ишларни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлайди.

в) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш соҳасида:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонунчиликни доимий таҳлил қилади ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш, БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар киритади;

нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида ўтказилган мониторинг натижаларини ўрғанади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ижро этилиши мониторингини олиб боради;

г) Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ Конвенциявий органларининг якуний тавсиялари ва эътирозларини кўриб чиқиш, шунингдек ушбу якуний тавсия ва эътирозларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг қилиш соҳасида:

Ўзбекистоннинг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижа-

си бўйича БМТ Конвенциявий органларининг якуний тавсия ва эътирозларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТ Конвенцион органларининг якуний тавсия ва эътирозларини ижро этиш юзасидан миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқишда, шунингдек миллий ҳаракат режаларида назарда тутилган тадбирларни ижро этишга масъул бўлган давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларини белгилашда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига кўмаклашади;

Ўзбекистоннинг тегишли даврий ахборотларини кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТ Конвенциявий органларининг якуний тавсия ва эътирозларини ижро этиш юзасидан миллий ҳаракат режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий ахборотларини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТ Конвенциявий органларининг якуний тавсия ва эътирозларини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган миллий ҳаракат режаларини бажариш учун масъул ижрочиларга тарқатилишини ташкил этади;

мажлисларида миллий ҳаракат режаларининг ижро этилиши тўғрисидаги ахборотларни эшитади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши ҳақидаги ахборотини эшитади;

тегишли даврий ахборотлар якунлари бўйича БМТ Конвенциявий органларининг якуний тавсия ва эътирозларини бажариш юзасидан миллий ҳаракат режаларининг ижроси асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши масалалари бўйича услубий тавсияномалар тайёрлайди.

6. Идоралараро ишчи гуруҳи ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши соҳасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлардан, бошқа давлат органларидан, шунингдек фуқаролик жамиятлари институтларидан зарур маълумотларни, шу жумладан таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни сўраш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишига доир маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органлари, шунингдек фуқаролик жамиятлари институтларидан олиш;

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ҳақидаги маълумотларни ваколатли органлар эътиборига етказиш, шунингдек ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида илтимоснома киритиш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

конунчиликда белгиланган тартибда бошқа чораларни кўриш.

III. Идоралараро ишчи гуруҳи фаолиятини ташкил этиш

7. Идоралараро ишчи гуруҳи таркибига раҳбар, раҳбарнинг ўринбосари, аъзолар ва котиб киради.

8. Идоралараро ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири раҳбарлик қилади, унинг ваколатига қўйидагилар киради:

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлислари кун тартибини белгилаш ва мажлисларини чақириш;

Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Идоралараро ишчи гуруҳи аъзоларининг Ишчи гуруҳ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Идоралараро ишчи гуруҳи фаолиятини самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга ошириш.

9. Идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари:

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

инсон ҳуқуқлари эркинликларини таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича Идоралараро ишчи гуруҳига таклифлар киритадилар;

Идоралараро ишчи гуруҳи муҳокама қиладиган масалалар бўйича хулосалар берадилар.

Идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари Идоралараро ишчи гуруҳидаги ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

10. Идоралараро ишчи гуруҳи ўз фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Идоралараро ишчи гуруҳ раҳбари томонидан унинг аъзоларининг навбатдан ташқари мажлис ўтказиш учун сабаблари ва асослари баён қилиниши керак бўлган ёзма илтимосига асосан навбатдан ташқари мажлис чақирилиши мумкин.

11. Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисини унинг раҳбари олиб боради. Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбари бўлмаган тақдирда мажлисни раҳбар ўринбосари бошқаради.

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Мажлис ўтказиш учун кворум бўлмаганда Идоралараро ишчи гуруҳнинг янги мажлис ўтказиш санаси эълон қилинади. Янги мажлис ўтказишда унинг кун тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

12. Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисига унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг аҳамиятига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

13. Идоралараро ишчи гуруҳини ташкилий-техник жиҳатдан таъмин-

лаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан амалга оширилади.

IV. Идоралараро ишчи гуруҳининг ишчи органи ва котиби

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси Идоралараро ишчи гуруҳининг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) ҳисобланади.

15. Идоралараро ишчи гуруҳининг Ишчи органи:

Идоралараро ишчи гуруҳи фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Идоралараро ишчи гуруҳининг иш режаси лойиҳасини тайёрлайди, Идоралараро ишчи гуруҳи муҳокамасига киритади, тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материаллар, маълумотлар ва эксперт хулосаларини олади;

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисининг кун тартиби масаласи бўйича тахлилий материаллар тайёрланишини ва мажлисни ўтказилишини ташкил этади;

келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқади ва Идоралараро ишчи гуруҳи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди.

Идоралараро ишчи гуруҳи кўриб чиқиши учун унинг қарорига мувофиқ бошқа материалларни тақдим этади.

16. Идоралараро ишчи гуруҳи котиби:

Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисига материаллар тайёрлаш бўйича ишчи органнинг ишини ташкил этади;

кун тартибидаги масалалар бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи мажлислари ўтказилишини ташкил қилади;

Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбари билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар рўйхатини келишади;

Идоралараро ишчи гуруҳи аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

Идоралараро ишчи гуруҳи қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини кўриб чиқиш учун Идоралараро ишчи гуруҳининг мажлисига тақдим этади;

Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисларининг протоколларини расмийлаш-

тиради ва тасдиқланган протоколларни Идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

V. Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

17. Идоралараро ишчи гуруҳи қарори Идоралараро ишчи гуруҳининг мажлисда қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Идоралараро ишчи гуруҳининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

18. Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбари қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Идоралараро ишчи гуруҳининг алоҳида масалалар бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари билан келишилган қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

19. Идоралараро ишчи гуруҳи қарорлари Идоралараро ишчи гуруҳи мажлиси протоколи билан расмийлаштирилади. Идоралараро ишчи гуруҳи мажлиси протокоliga унинг барча аъзолари томонидан виза қўйилади, у котиб томонидан имзоланади, Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбари томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Идоралараро ишчи гуруҳи аъзоларига ҳамда манфаатдор ташкилотларга юборилади.

20. Идоралараро ишчи гуруҳи протоколининг асл нусхаси ва унга тегишли материаллар ишчи органда сақланади.

21. Идоралараро ишчи гуруҳининг ишчи органи ва котиби Идоралараро ишчи гуруҳи қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда ўрганадилар ва кўриб чиқадилар, зарурият бўлганда Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбарига тегишли таклифлар киритадилар.

22. Идоралараро ишчи гуруҳи қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши аҳволини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

23. Идоралараро ишчи гуруҳининг иш тартиби Регламентда белгиланади. Регламент Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан қабул қилинади.